Бухоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг шаклланиши ва ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ижтимоий аҳамиятдаги харажатлар

Жорий йил давомида Бухоро вилояти маҳаллий бюджетида жами **234,0 млрд.сўм** миқдорида қўшимча манбалар шаклланган. Жумладан, маҳаллий бюджетнинг йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари **128,0 млрд.сўм**;

маҳаллий бюджет бўйича 2021 йил 1-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми **106,0 млрд.сўмни** ташкил этган.

Ҳисобот даврида қўшимча манбалар ҳисобидан **225,0 млрд.сўм** маблағлар йўналтирилиб, биринчи навбатда, вилоят аҳолиси, ижтимоий соҳа муассасаларида қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ижтимоий харажатларга **202 млрд.сўм** ёки жами маблағларнинг **90 фоизи** йўналтирилди.

Масалан, вилоятдаги “Аёллар дафтари”га киритилган **27 минг нафар** ва “Ёшлар дафтари”ги киритилган **23 минг нафар** фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига қарийб **40 млрд.сўм** сарфланланган.

Ушбу маблағлар ҳисобидан вилоятдаги **2460 нафар** ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш учун **7,4 млрд.сўм**, жумладан, **1830 нафар** ёшларни иш билан банд этиш учун зарур асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилишга **5,3 млрд.сўм**;

28 нафар истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш тадбирларига **1,0 млрд.сўм**;

386 нафар ёшларнинг тадбиркорлик ва касб-ҳунарга ўқитиш учун **753,0 млрд сўм**;

130 нафар ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, **11 нафар** ёшларга бандлигини таъминлаш учун ижара тўловлари, **4 нафари** учун даволаниш харажатлари, **71 нафар** ёшларнинг тўлов-контракт тўловини (50 фоизини) қоплаш учун **317,0 млн сўм** ажратилди.

Бундан ташқари, вилоятдаги **2728 нафар** хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун **2,0 млрд сўмдан** ортиқ мақсадли маблағлар ажратилди. Хусусан,

ижтимоий ҳимояга муҳтож **1961 нафар** хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш учун **1,3 млрд сўм**;

767 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш учун **818 млн сўм** маблағлар ажратилди.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маҳалла фуқаролар йиғинлари ва аҳоли хонадонларидаги муаммоларни ҳал этишга ҳамда аҳоли яшаш пунктларини тартибга келтиришга **8,5 млрд сўм**;

Бухоро шаҳридаги **70 та** кўп қаватли уйларнинг том, фасад қисми ҳамда **113 та** уй-жойлардаги йўлакларни таъмирлашга жами **4,5 млрд.сўм**;

Давлат дастури доирасида 11 та мактабгача таълим ташкилотлари, 17 та умумтаълим мактаблари, 13 та тиббиёт муассасалари, аҳоли пунктларида кўча чироқлари ўрнатишга ҳамда пиёдалар йўлаклари қуриш ишларига **36,2 млрд сўм**;

92 та умумтаълим мактабларида ҳожатхоналар қуришга **3,5 млрд.сўм**;

12 мингта синф парталари ва **24 мингта** ўқувчилар стулини таъмирлашга **3,2 млрд сўм**;

17 та мактабгача таълим муассасаларида қурилиш ишлари учун **13 млрд сўм**;

23 та мактабгача таълим муассасаларининг жиҳозлаш учун **3,8 млрд сўм**;

вилоятдаги **17 та** тиббиёт муассасаларини узлуксиз электр-энергияси билан таъминлаш учун генератор харид қилишга **1,7 млрд.сўм**;

вилоят аҳолиси учун коронавирусга қарши дори-дармон воситалари захирасини яратишга **1,0 млрд.сўм**;

жамоатчилик фикри бўйича тадбирларни молиялаштириш учун йил қарийб **3 млрд.сўм**;

Ғиждувон ва Қоракўл туманилари ҳамда Когон шаҳридаги бўш биноларни кам таъминланган оилалар учун ижтимоий ётоқхоналарга мослаштириш учун **3,0 млрд.сўм**;

Олот, Бухоро ва Когон туманларидаги аҳоли пунктлари учун сув қувурлари тортиш, кўча чироқлари ўрнатишга қарийб **1,0 млрд.сўм**;

Ромитан ва Шофиркон туманидаги истироҳат боғларини таъмирлашга **1,0 млрд.сўм**;

Бухоро шаҳридаги марказий кўчаларни ҳамда қабристонларни таъмирлаш ва ободонлаштириш учун **7,0 млрд.сўм**;

янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирларига **6,5 млрд.сўм;**

аҳоли пунктларидаги **1000 км** тупроқ йўлларни шағаллаштиришга **1,5 млрд.сўм** маблағ ажратилган.